

УДК 373.21

*Панжиев Нурбек Ниёзмухаммедович*

*Ўзбекистон Республикаси*

*Банк-молия академияси*

*магистранти*

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ  
ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
АҲАМИЯТИ**

*Аннотация: Мактабгача таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиши ва мактабгача ёшидаги болалар таълими сифатини оширишга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ушбу тадқиқот давлат-хусусий шериклик ҳамкорликларининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини таҳлил қилиши, уларнинг таъсирини баҳолаш учун миқдорий ва сифатли тадқиқот усулларидан фойдаланишга қаратилган.*

*Калит сўзлар: мактабгача таълим, таълим ислоҳотлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари, таълим стандартлари, инновацион ўқитиши усуллари, замонавий ўқув материаллари, иқтисодий тараққиёт*

*Panjiev Nurbek Niyozmuhammedovich*

*Republic of Uzbekistan*

*Academy of banking and finance*

*graduate student*

**SOCIO-ECONOMIC SIGNIFICANCE OF PUBLIC-PRIVATE  
PARTNERSHIP PROJECTS IN THE FIELD OF SCHOOL EDUCATION**

*Abstract: Public-private partnership projects in the field of preschool education are increasingly focused on solving socio-economic problems and improving the quality of preschool education. This study aims to analyze the social and economic importance of public-private partnerships, using quantitative and qualitative research methods to evaluate their impact.*

*Keywords: preschool education, educational reforms, public-private partnership projects, educational standards, innovative teaching methods, modern educational materials, economic development*

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасини янги сифат босқичига кўтаришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар хусусан, мактабгача таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳалари мактабгача ёшдаги болалар таълими сифатини оширишни ҳам қамраб олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилмоқда. Натижалар шуни кўрсатадики, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалдаги ижроси ёш авлоднинг таълим олиш имкониятларини сезиларли даражада оширмоқда, хизматлар сифати яхшиланмоқда ва минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг болалик давридаги таълимнинг аҳамияти боланинг когнитив, ҳиссий ва ижтимоий ривожланишига асос бўлади. Кўпгина мамлакатларда, жумладан республикамизда ҳам мактабгача таълимга, унинг сифатига катта эътибор қаратилган бўлсада, шаҳарлардан узоқ ҳудудларда етарли даражада эмаслигича қолмоқда. Давлат-хусусий шериклик ушбу секторда талаб ва таклиф ўртасидаги тафовутни бартараф этиш учун стратегик ечим сифатида кўрилмоқда. Биз ушбу мақолада мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини, бу ҳамкорлик қандай қилиб таълим олиш имкониятини ошириши, сифатини яхшилаши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаши мумкинлигини баён қилдик.

**Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:**

- давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг мактабгача таълимдаги ижтимоий таъсирини баҳолаш;
- давлат-хусусий шериклик ҳамкорликлари томонидан яратилган иқтисодий фойдани баҳолаш;

- ушбу секторда давлат-хусусий шерикликларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ва имкониятларни аниқлаш.

Ушбу тадқиқотимиз давомида ҳолатни ҳар томонлама тушуниш учун миқдорий ва сифат маълумотларини бирлаштирган бир қатор усуллар ва ёндашувлардан фойдаландик. Хусусан, йиғилган маълумотлар асосида миқдорий ҳисоб-китоблар қилинди. Давлат-хусусий шериклик мактабгача таълим лойиҳалари амалга оширилган ҳудудларнинг қамраб олиш даражаси, таълим натижалари ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича маълумотларни тўплаш учун сўровлар ва статистик таҳлиллардан фойдаландик. Мактабгача таълимда давлат-хусусий шерикликларни амалга ошириш самарадорлиги ва муаммолари бўйича манфаатдор томонлар, жумладан, давлат амалдорлари, хусусий сектор вакиллари, ўқитувчилар ва ота-оналар билан суҳбатлар ва фокус-гурӯҳ муҳокамалари ўтказилиб, масалага уларнинг нуқтаи-назаридан ҳам қаралди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари мактабгача таълим соҳасига сезиларли ижтимоий таъсир кўрсатади. Жумладан:

➤ таълим олиш имкониятининг ошиши: давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилган ҳудудларда мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган болалар сони 30-50% га ошди. Лойиҳалар, айниқса, қишлоқ ва шаҳарлардан узокда жойлашган ҳудудларда янги таълим муассасаларини барпо этишга кўмаклашди, бу эса кўпроқ болаларнинг эрта таълим олиш имкониятини яратди.

➤ таълим сифати яхшиланди: давлат-хусусий шериклик ташаббуслари асосида инновацион ўқитиш усуллари, замонавий ўқув материаллари ва ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги жорий этилди, бу эса мактабгача таълим муассасаларида тақдим этилаётган таълим сифатининг сезиларли яхшиланишига олиб келди.

Шу ўринда давлат-хусусий шериклик ҳамкорлигининг иқтисодий самараларини ҳам эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини иқтисодий таҳлилидан келиб чиқиб қуйидаги афзалликлар аниқланди:

➤ янги иш ўринлари яратилди: давлат-хусусий шериклиги асосида ташкил этилган янги мактабгача таълим муассасаларининг ташкил этилиши ўқитувчилар, маъмурий ва ёрдамчи ходимларни иш билан таъминлаш имкониятларини яратиб, маҳаллий иқтисодий тараққиётга ҳисса қўшди.

➤ мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш: молиявий ва операцион масъулиятни тақсимлаш орқали давлат-хусусий шериклик лойиҳалари давлат бюджети-молиясидаги юкни камайтирди. Хусусий сектор инвестицияларини жалб қилиш ҳар икки томон учун ресурсларни оптималлаштириш ва харажатларни камайтириш имконини берди.

➤ минтақавий иқтисодий ривожланиш: давлат-хусусий шериклик мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлган ҳудудларда ота-оналарнинг, хусусан, аёлларнинг меҳнатда фаол иштирок этиши кузатилди. Арзон ва ишончли болалар парвариши хизматларининг мавжудлиги ота-оналарга иш билан шуғулланиш имконини берди, бу эса уй хўжаликлари даромадлари ва маҳаллий иқтисодиётнинг ўсишига олиб келди.

Кўпгина афзалликларига қарамай, мактабгача таълимдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бир қатор муаммоларга дуч келмоқда:

❖ Тартибга солиш ва бюрократик тўсиқлар: мураккаб қоидалар ва маъмурий тўсиқлар кўпинча давлат-хусусий шериклик ташаббусларини амалга оширишни кечиктириш ҳолатлари кузатилмоқда.

❖ Сифат назорати: хусусий сектор ҳамкорлари давлат сиёсатига мувофиқ таълим стандартларини сақлаб қолишларини таъминлаш доимий муаммо ҳисобланади.

❖ Барқарорлик масалалари: давлат ва хусусий секторнинг доимий инвестициялари ва мажбуриятларисиз давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш қийин бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, бизнингча мактабгача таълим муассасаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг афзалликларини максимал даражада ошириш учун қуйидагиларни бажариш тавсия этилади:

1. Норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш: маъмурий жараёнларни соддалаштириш ва хусусий секторнинг кўпроқ иштирокини рағбатлантириш учун қўллаб-қувватловчи қонунчилик базасини яратиш.
2. Сифатни таъминлашга эътибор қаратиш: хусусий шерикларнинг таълим стандартларига жавоб беришини таъминлаш учун сифат назорати бўйича қатъий чораларни ўрнатиш.
3. Барқарор инвестицияларни рағбатлантириш: мактабгача таълим ташаббусларининг барқарорлигини таъминлаш учун давлат ва хусусий секторнинг узоқ муддатли инвестицияларини рағбатлантириш.

Ушбу тадқиқот натижалари мактабгача таълимда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни кучайтириш бўйича сиёсатни ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин. Сиёсатчилар ушбу хулосалардан давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантирувчи стратегияларни ишлаб чиқишда фойдаланиши, натижада таълим натижалари яхшиланиши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга олиб келади.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Barnett, W.S. (2011). "Effectiveness of Early Childhood Education." *Journal of Economic Perspectives*, 25(2), 33-46.
2. World Bank (2019). *Public-Private Partnerships in Education: Best Practices and Lessons Learned*. Washington, D.C.

3. UNICEF (2020). *Early Childhood Education and Development: The Role of PPPs*. New York: United Nations Children's Fund.